

67.4124 - Чисош Амур улуси

# ЁШЛАРГА ОИД МУҲИМ САНАЛАР ТАҚВИМИ:

**1991 йил 20 ноябр**

Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган.

**2001 йил 24 январь**

2001 йил 24 январь куни

“Камолот” ёшларимизнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлсин” мавзuidaги нутқи билан ёшлар масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказган.

**2001 йил 25 апрель**

Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилган.

**2001 йил 23 май**

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида “Камалак” болалар ташкилоти ташкил этилган.

**2001 йил 30 май**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғриси” да 240-сонли қарори қабул қилинган.

**2003 йил 4 август**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 августдаги ПФ-3290-сонли Фармони билан “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан берилиши тасдиқланган.

**2005 йил 31 октябрь**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабалари тўғрисидаги ПК-213-сонли қарори қабул қилинган.

**2006 йил 10 октябрь**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” ги 486- сонли қарори қабул қилинган.

2012/178	Alisber Navoiy nomidagi
10914	O'zbekiston MK



## Биз – келажаги буюк юрт фарзандларимиз!



**Баходир ГАНИЕВ,**

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати  
Марказий Кенгаши раиси:**

Бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд ёшларнинг кундалик ҳаёти, эртанги кунни мамлакат тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, Ватанимиз истиқболи, юрт келажаги, ислохотлар самараси билимли, интилувчан ёшлар кўлида!

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари, айниқса, навқирон авлоднинг маънавий камолоти учун истиқлол йилларида муносиб шароитлар ва имкониятлар яратилди. Ёшларга эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳар бир ижтимоий масала доимо Юртбошимизнинг диққат марказида. Жумладан, ҳар йили давлат бюджетининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги фикримиз далилидир. Ушбу маблағнинг ярмидан кўпи айнан таълим соҳасига йўналтириляётгани натижасида фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли ҳаёт кечириб улғаймоқдалар.

Ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, замонавий билим, касб-ҳунар эгаллаши учун шарт-шароитлар яратиш юртимизда давлат сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури амалга оширилиб, 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Истиқлол йилларида барпо этилган ва тубдан реконструкция қилинган ўн мингга яқин умумтаълим мактаблари, 1 200 дан зиёд болалар спорт иншоотлари, 1,5 мингга яқин замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, санъат, маданият масканлари бугун миллионлаб ўғил-қизларимизнинг баркамол вояга етишига хизмат қилмоқда. Шундай мукамал яратилган шароитларга яраша бугун мактаб, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизлар ёш бўлишларига қарамасдан айна пайтда ҳеч қачон ва ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботлашмоқда.

Бугун Ўзбекистон ёшлари жаҳон майдонига чиқиб, энг мартабали турли анжуман ва чемпионатларда, кескин курашларда тенгсиз ғалабаларга эришиб, улуғ аждодларимизга муносиб ворислар эканини қайта ва қайта намоён этаётган экан, бу ўз навбатида уларга кўрсатилган ғамхўрликнинг, ёш авлод истиқболи йўлида амалга оширилган бекиёс эзгу ишларнинг ёркин самарасидир.

Санъат, илм-фан ва кўплаб бошқа соҳаларда ўз салоҳиятини, билими, юксак маҳоратини, метин иродаси ва ақл-заковатини намоён этиб халқимиз, Ватанимиз довуғини дунёга таратаётган Рустам Қосимжонов, Равшан Эрматов, Ришод Собиров, Абдулла Тангриев каби ёшларимиз эришаётган улкан ютуқ ва муваффақиятлар барчамизга ғурур бағишлайди. Футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида илк бор катнашган Ўзбекистон терма жамоаси эришган натижалар, 2011 йилда “Насаф” футбол жамоасининг Осиёда тенгсиз жамоалардан бири деб топилгани бугунги ўзбек ёшлари қандай улуғ ишларга кодир эканлигини намоён этади.

## КИРИШ СЎЗИ ||

Эътиборли томони шундаки, мамлакатимиздаги барча соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати муносиб иштирок этиб келмоқда. Мамлакат ёшларини миллий ғоя асосида эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ҳаракатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ҳозирда юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида, корхона ва таълим муассасаларида ташкил этилган Ҳаракатнинг 15 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари ўз атрофига 5 миллиондан зиёд ёшларни бирлаштириб, “Бирлашиб – биз катта кучмиз!” шiorини амалда исботламоқда, десак асло муболаға бўлмайди. Бунда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари орқали ёшлар билан мунтазам равишда турли анжуманлар, конференциялар, оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилиши ҳамда уларнинг талаб, истак ва таклифларини доимий эътиборга олиниши натижасида Ҳаракат том маънода ёшларнинг таянчи ва суянчига айланмоқда.

Ёшлар — жуда катта бунёдкор куч! Бу кучни тўғри йўналтириш лозим. Бунда, энг аввало, ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, дунёқарашини янада кенгайтиришда замонавий билим ва умуминсоний кадриятларга таянилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш орқали уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсад йўлида Ҳаракат томонидан кўплаб ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жумладан, «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!», «Шункорлар», «Сиз тарихни биласизми?», «Сиз конунни биласизми?», «Миллий ўйинлар фестивали», «Камолот» стипендияси, «Камолот» таълим гранти, «Камолот» маликаси, «Камолот» шахмат тахтаси, «Камолот»-Tur» веломарофони ва бошқа катор тадбирлар ўн минглаб ёшларни камраб олиш имкониятини беряпти. Назаримизда, айнан ушбу тадбирлар ёшларимизни буюк ўтмишимиздан фахрланиш, миллий кадриятлар ва анъаналаримизни ёшлар онгига сингдириш, уларни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлақонли англаб етишларида ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор.

Зеро, “Бизнинг халқимиз, кейинги йигирма йил давомида вояга етган навқирон авлодимиз ҳозирги вақтда эртанги келажагимизга катта ишонч билан қарамокда ва ўзи танлаб олган йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмайди, - дея таъкидлайдилар Юртбошимиз”. Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаолият юритаётган, зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этаётган йигит-қизлар юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг чинакам давомчилари бўлиб вояга етаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ана шу ишонч келгусида ёш оилаларнинг янада мустаҳкамланишида бизга куч-қувват бермоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг III Қурултойига муносиб совға тариқасида тайёрланган қўлингиздаги ушбу «Камолот» солномаси» Ҳаракат фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини камраб олди. Ўйлаймизки, ушбу солномада Сиз, азиз ёшлар ўзингизга керакли маълумотларни албатта топасиз ва Ҳаракат билан доимо бирга олға ҳаракатланасиз. Зеро, интилганга омад ёр!



# АМОЛОТ

## ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ СОҲАСИ






## “Камолот” — ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлишига ишонамиз!”

**Акмал САИДОВ**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори:

Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, айти пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини англаган ҳолда яшаш, жамият ҳаётида онгли фуқаро, эркин шахс сифатида иштирок этиш малакаларини шакллантиришда “Камолот” ЁИХнинг ўрни ва аҳамияти бсқийёс.

Айниқса, Ҳаракатнинг бугунги кунда ёшлар сиёсатида доир қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда фаол иштирок этишга, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг маъно ва моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдиришга қаратилган лойиҳалари ёш авлоднинг жамиятдаги янгиланишлар йўлини кенг қўллаб-қувватлашига ва ушбу жараёнлардаги ижтимоий фаоллигига эришишга ёрдам бермоқда. Республикамизнинг энг йирик жамоат ташкилотларидан бири бўлган “Камолот” бу соҳадаги ишларни янада жонлантиришига ва ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлишига ишонамиз!



## “Жамиятда “Камолот”чиларнинг ўз ўрни ва фикри бор”.

**Светлана ОРТИҚОВА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

Қайд этиш лозимки, “Камолот” ЁИХнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар иккала палатаси билан ҳамкорлиги олий даражада йўлга қўйилган.

Сенат томонидан ўтказилган турли тадбирлар, конференция, давра суҳбатлари, семинарларда “Камолот” сардорлари ва етакчилари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг кенг дунёқараш, теран мулоҳазага эга эканлигини ҳулоса қилдим. Демокчиманки, жамиятда “Камолот”чиларнинг ўз ўрни ва фикри бор. Бу жуда қувонарли, албатта. Чунки Ҳаракат тимсолида Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини ,ноёб қобилият ва истеъдодларини кўриш мумкин. Мен ўз навбатида барча “Камолот” фаолларини Ватан бахт- саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлайман. Ўзбекистон равнақи ва ривожини йўлида ғайратли, изланувчан ва янада ташаббускорроқ бўлиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчимиздир!

## “МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ: МУЛОҲАЗА, МУНОСАБАТ ВА ТАҲЛИЛ” ЛОЙИҲАСИ



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари” дастури доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни ҳамда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 20-21 сентябрь кунлари АКШнинг Нью Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитида сўзлаган маърузасини ёшлар орасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида 18-30 октябрь кунлари республикамизнинг барча ҳудудларида “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: мулоҳаза, муносабат ва таҳлил” лойиҳаси амалга оширилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда “Бунёдкор” ёшлар телеклуби томонидан 10 октябрь куни Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастурини биласизми?” мавзусидаги видео сўровлар ўтказилди. Унда 200 нафардан зиёд ёшлар бевосита иштирок этди. Ушбу дастур доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар юзасидан махсус фильм яратилди.

Лойиҳанинг ҳудудларда ўтказилган босқичларида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ масъул ходимлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) минтақавий вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва вилоят ҳокимликлари вакиллари иштирок этишди.

Лойиҳа доирасида республика бўйича 5 минг нафардан ортиқ ёшлар камраб олинди. Лойиҳанинг якуний босқичи 2010 йилнинг 29 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилди.



## КОНЦЕПЦИЯ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”нинг мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида, “Концепция – мамлакатимиз тараққиётининг кафолати” лойиҳаси ўтказилди.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – Концепциянинг аҳамиятини ёшларга тенгдош-тенгдошга усули орқали тушунтиришдан иборат. Жумладан, лойиҳанинг биринчи босқичида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари томонидан 2010 йилнинг 28 декабридан 2011 йилнинг 10 январига қадар республикаимизнинг барча туманларида кенг тарғибот ишлари олиб борилиб, жами 637 та маҳалла, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежида давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар ташкил этилиб, **80 минг нафарга** яқин ёшлар жалб этилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида, Концепцияда белгиланган устувор вазифаларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, ёшларнинг назарий билимларини янада мустаҳкамлаш ҳамда таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар орқали барча ёшларга етиб боришини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 11 мартдан 11 апрелга қадар “Концепцияни ўрганиш ойлиги” эълон қилинди.

Мазкур ойлик давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўмита раислари, депутатлар, Марказий сайлов комиссияси раиси ва бошқа қатор соҳа вакиллари, мутахассислари иштирокида Концепцияда белгиланган устувор йўналишлар бўйича 150 нафар энг фаол, иқтидорли талабалар учун ўқув семинар ташкил қилинди.

Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”ни аҳамияти ва уни амалга оширишда ёшларнинг ўрни мавзусига оид иккита республика илмий-амалий анжуманлари ўтказилди.





## КОНЦЕПЦИЯ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ




www.kamolot.uz



Мазкур анжуманларда нуфузли илм масканларининг профессор-ўқитувчилари, соҳанинг етук мутахассислари, ёш олимлар томонидан Концепцияни реал ҳаётга татбиқ этишда ёшларнинг ўрни ва уларнинг фаоллигини ошириш юзасидан керакли тавсиялар ишлаб чиқилди. Анжуманлар якунлари бўйича 100 дан ортиқ маъруза жамланган **2 та тўплам** нашрдан чиқарилди.

Лойиҳанинг учинчи босқичида иккинчи босқичда махсус ўқитилган иқтидорли талабалардан иборат тарғибот гуруҳи Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларида тарғибот ишларини олиб бордилар.

Жами лойиҳа давомида ўтган давр мобайнида **200 минг нафардан** зиёд ёшларнинг турли катламлари вакилларини камраб олишга эришилди.



## “СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?” КЎРИК-ТАНЛОВИ



Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда тарғибот ва ташвиқот тadbирларининг ўрни бекиёс.

Бу борада Ҳаракат томонидан анъанавий равишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг давлат ва жамият ривожигаги ўрни ва аҳамияти, маъно-мазмуни ҳамда моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб этиш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Адлия, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Олий Суд билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови муҳим ўрин тутди.



“Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови иштирокчилари сони йилдан-йилга кўпайиб, бугунги кунда деярли барча академик лицей ва касб-хунар коллежига кириб борди.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



www.kamolot.uz

2011 йилнинг 25 апрелидан 25 майга қадар аҳоли ўртасида “Инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият” мавзусида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказилди. Унинг доирасида Ҳаракат томонидан 935 га яқин турли лойиҳа ва тадбирлар амалга оширилиб, унга 290 минг нафардан зиёд ёшлар жалб қилинди.

“Инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият” ойлиги давомида Ҳаракат томонидан болалар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Болаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари – менинг нигоҳимда” мавзусида иншолар танлови ўтказилди.

Жумладан, ҳуқуқий саводхонлик ойлиги доирасида Жиззах вилоятида “Бола ҳуқуқлари – Давлат ҳимоясида” лойиҳаси юзасидан ўтказилган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этди.

Шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият” ойлиги доирасида Тошкент давлат юридик институтидаги Ҳаракат фаолларини жалб қилган ҳолда “Бола ҳуқуқларини биласизми?” номли тарғибот акцияси ташкил этилди.



## “МЕҲНАТ ЖАМОАСИДА “КАМОЛОТ” ЛОЙИҲАСИ

2010 йилнинг апрель-июнь ойларида республикамиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларини тузиш, шунингдек, мавжуд бошланғич ташкилотларини қайта ҳисобга олиш ҳамда Ҳаракат фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида “Меҳнат жамоасида “Камолот” лойиҳаси ўтказилди.

Жумладан, лойиҳа доирасида 2010 йилнинг 6-8 июль кунлари Навоий шаҳридаги Навоий кон-металлургия комбинати билан ҳамкорликда ўтказилган “Корхона, ташкилот ва муассаса ёшларининг I республика анжумани” юқори савияда ташкил этилди. Унда 100 дан ортиқ Бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этдилар.

Анжуман якунида турли соҳаларда юқори натижаларни қўлга киритган бошланғич ташкилот етакчилари тақдирланди.



2011 йилнинг 5-7 январь кунлари Ҳаракат томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили муносабати билан “Ўзбекистон Темир йўллари” компанияси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида “Ватан равнаки йўлида бирлашайлик!” шиори остида “Корхона, ташкилот ва муассаса ёшларининг II республика анжумани” ўтказилди.

Анжуманда Ҳаракатнинг республикадаги корхона, ташкилот ҳамда муассасалардаги 100 нафардан ортиқ бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

## "БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОИЙ ХАМКОРЛИК" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

www.kamolot.uz



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда шу йилнинг 18 ноябрида "Бола ҳуқуқларини таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Анжуман якунида 70 га яқин мутасадди ва манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, соҳа мутахассислари, ёш илмий тадқиқотчиларнинг мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигининг бугунги аҳволи таҳлил этилди. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қўлланилаётган педагогик технологияларни такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда ушбу илмий-амалий анжуман материаллари асосида тўплам нашр этилди.



## “ЁШЛАРГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК – ЁШЛАР НИГОҲИДА”



2010-2011 йиллар давомида Ҳаракат томонидан “Ёшларга оид қонунчилик – ёшлар нигоҳида” лойиҳаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги ва “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳалари муҳокама этилди. “Камолот” фаоллари томонидан ушбу қонун лойиҳаларига 100 дан ортиқ аниқ таклифлар берилди.

Жумладан, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида 4 мингдан зиёд ёшлар катнашиб, 70 га яқин таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Ҳозиргача Ҳаракат тизимларида “Депутат ва ёшлар”, “Сенатор ва ёшлар”, “Ҳоким ва ёшлар” лойиҳалари ўтказилиб, уларда қарийб **150 минг нафар**га яқин ёшлар иштирок этдилар.

Хусусан, биргина Қашқадарё ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлари билан бўлиб ўтган очик мулоқотлар чоғида ёшларга оид 40 га яқин турли муаммолар ҳал этилди.





АМОЛОТ

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
СОҲА






## **“Камолот” — ёшлар орасига кириб борган ташкилот!**

**Хаирулла НУРИДДИНОВ,**

“Yoshlar” телерадиоканали  
ЁАЖ директори:

– “Камолот” ЁИХ ўтган йиллар мобайнида ёшларга чинакам таянч бўлиш йўлида қатъий ишонч билан самарали меҳнат қилиб келмоқда. Айтиш мумкинки, бугун “Камолот” мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйди. Барча тизимлар, меҳнат жамоалари ва у ерда фаолият юритаётган ёшлар орасига кириб борди. Ёшларимизни миллий ғоямизга содиқ, иймони бут, эътиқоди мустаҳкам, ватанпарвар, ижтимоий фаол, меҳнатсевар, ташаббускор бўлиб камолга етишида “Камолот” ЁИХ томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Ишонамизки, Ҳаракатнинг III Курултойида ёшлар томонидан билдирилган кўплаб таклифлар, илгари сурилган бунёдкор ғоялар ҳаётимизга кенг татбиқ этилади, бу ўз навбатида, Ҳаракатнинг нуфузини янада оширишга хизмат қилади.



## **“Камолот” – фарзандларимиз орзу-интилишларини ўзида мужжасам этган ташкилот!**

**Гулнора МАРУФОВА,**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси  
раиси ўринбосари:

– “Камолот”ни ёшларнинг юрагига кириб бораётган ташкилот сифатида кадрлайман. Бу ташкилот фарзандларимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужжасам этиб, Юртбошимиз устувор вазифа сифатида белгилаб берган ўз мақсади сари олға интилишида ёшларимизнинг суянчига айланишига том маънода ҳаракат қилмоқда. “Камолот” ҳақида ўйлаганимда, бу ташкилот тақдири беихтиёр, аввало, фарзандларим, набираларимнинг тақдири каби муҳим бир масала эканига амин бўламан. Шу ҳаяжонли, муҳим кунларда “Камолот” ўзининг ёшлар тақдирида янада катта ўзгариш, янгилиниш, бурилишлар ясайдиган даражадаги истиқболли режаларини белгилаб олади, деб умид қиламан!





## “ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДАРИ” ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-1516-сонли қарорига асосан Ҳаракат томонидан фан, маданият, спорт, тadbиркорлик ва бошқа соҳаларда юқори натижаларни қўлга киритган истеъдодли ёшларнинг “Истиқлол фарзандлари” ёшлар фестивали ўтказилди.

Фестиваль доирасида мамлакатимиз ёшларини пойтахтимизда мустақиллик йилларида олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш, уларда ғурур ва ифтихор туйғусини янада мустаҳкамлаш мақсадида махсус уч кунлик дастур тузилиб, тadbир юқори савияда ташкил этилди.

17-20 август кунлари ўтказилган “Истиқлол фарзандлари” ёшлар фестивалида турли соҳаларда салмоқли ютуқларга эришган **700 нафар** иқтидорли ёш иштирок этди.



## “БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДАРИМИЗ!” ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ



“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг май-июнь ойларида республика миқёсида “Инсон ҳуқуқлари – олий кадрият!” ойлиги доирасида “Биз буюк юрт фарзандларимиз!” ёшлар фестивалини ўтказди.

Бундан ташқари Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг мутахассислари билан меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларида “Бола ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида” мавзусида тарғибот акцияси ўтказилди.

Мазкур акция доирасида бола ҳуқуқларининг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган ўқув-қўлланмалар ва буклетлар тарқатилди.

Фестиваль доирасида 2011 йилнинг 20 май куни пойтахтимиздаги муҳташам “Туркистон” саройининг ёзги биносида 1 июнь – “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни”га бағишланган хайрия концерти ташкил этилди.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва махсус мактаб-интернатлари ўқувчилари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари таниқли санъаткорлар, сўз усталари ҳамда журналистлар иштирок этдилар.



## “ХОТИРАНГ МАНГУ, КАДРИНГ БАЛАНД!” ЛОЙИҲАСИ



9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан “Хотиранг мангу, кадринг баланд!” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу тадбирлар режасида асосий эътибор уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёлғиз ҳамда боқувчисини йўқотган қарияларни йўқлаб боришга асосий эътибор қаратилди.

Ҳаракат фаоллари томонидан 5-7-май кунлари қариялар уйлари, зиёратгоҳ ва қабристонларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш, шунингдек, боқувчисини йўқотган қариялар хонадонларида уларнинг уй юмушларига кўмаклашиш каби хайрли ишлар амалга оширилди.

2011 йилда ташкил этилган мазкур лойиҳа доирасида 8 мингдан зиёд уруш ва меҳнат фахрийларига Ҳаракат томонидан табрикномалар тайёрланиб, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилди.



## “АЖДОДЛАР МЕРОСИ – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ” КЎРИК-ТАНЛОВИ

Республика ўқувчи-ёшларини маънавий баркамол, билимдон фарзандлар қилиб тарбиялаш, Ватанимиз ўтмишини холис ва мукамал ўрганишларига кўмаклашиш, уларнинг халқимиз ўтмиши, ўзбек давлатчилиги тарихини чуқур англаб етишларига муносиб шароит яратиш, миллатимиз, аجدодларимиз тўғрисидаги билимларини тўғри шакллантириш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Аждодлар мероси – келажак пойдевори” кўрик-танлови ташкил этиб келинмоқда.

“Аждодлар мероси – келажак пойдевори” кўрик-танлови ўтган давр мобайнида республикамизнинг чекка ҳудудларидаги умумтаълим муассасаларига ҳам кириб бориб, ҳар йили **40 минг нафар**дан зиёд мактаб ўқувчиларини қамраб олмақда.

Кўрик-танловда мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари катнашиб, қуйидаги тўрт шарт бўйича ўзаро беллашадилар:

**1-шарт.** Иштирокчи жамоа ўзининг мактаби, тумани (шаҳри), вилоятини атрофлича таништириши керак. Бунда у қўшимча тарзда мусикадан ҳам фойдаланиши мумкин. Иштирокчи жамоа ўз кийими, тимсоли, кўкрак нишонига, альбом ҳамда баённомага эга бўлиши лозим.

**2-шарт.** Иштирокчиларнинг она-Ватан тарихи ҳақидаги билимлари савияси аниқланади.

**3-шарт.** Жамоанинг энг билимдон иштирокчиси даврага таклиф этилади. Ўқувчиларнинг тарихий дунёқарашини синаш ва уларга берилган саволларга тез, аниқ, маънодор ва зукколик билан айтилган жавоблари билан баҳоланади.

**4-шарт.** Жамоалар ўзи яшаб турган ҳудуддаги аҳолининг урф-одатлари, машғулотлари, этнографияси, топонимикаси ҳақида батафсил маълумот бериши лозим.



“Аждодлар мероси – келажак пойдевори” кўрик-танлови ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам” деган муқаддас туйғуни шакллантиришга ҳамда она-Ватанимиз тарихини мукамал англашларига замин яратади.

## “БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!” ЁШЛАР ФЕСТИВАЛЛАРИ

Ҳаракат томонидан ҳар йили республикаимизнинг барча ҳудудларида “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остидаги ёшлар фестиваллари ўтказиб келинмоқда.

Фестиваль 10 та йирик лойиҳани ўз ичига олиб, унинг учтаси бевосита санъат, маданият ҳамда миллий эстрадаимизнинг вакиллари билан амалга ошириладиган “Сиз севган қаҳрамонлар”, “Сиз кутган меҳмон”, “Шараф дақиқаси” лойиҳаларидан иборат.

Эътиборли жиҳати, уч босқичда ўтказилган фестивалга ҳар бир ҳудуддан жами 20 минг нафардан зиёд ёшлар жалб этилишига эришилди.



Фестиваль доирасида ўтказилган тадбирларда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, хонандалар, Зулфия номидаги давлат мукофоти, “Нихол” мукофоти соҳиблари фаол иштирок этишган.

Ҳар йили фестивал доирасида ҳар бир туман, шаҳардаги таълим муассасаси, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда республика тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан жами 250 дан ортиқ тадбир ўтказиб келинмоқда.

Мазкур фестивалларда жами 300 минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

## “БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!” ЁШЛАР ФЕСТИВАЛЛАРИ



www.kamolot.uz

2011 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган ёшлар фестивалларида таниқли эстрада хонандалари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, спортчилардан иборат **жами 300 нафардан** зиёд республика тарғибот гуруҳи иштирок этди.

Гуруҳ томонидан мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда миллий кадриятларимизни тиклаш, халқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлигини таъминлаш йўлида олиб борилган ислохотлар мазмун-моҳияти, маънан етук, жисмонан бақувват ва соғлом авлодни вояга етказиш ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳаётий ва аниқ мисоллар ёрдамида ёшларга етказилди.





“Шуикорлар” харбий-спорт мусобақаларининг 2011 йилги республика финал боскичида Наманган вилоятининг Учқўрғон педагогика коллежининг “Ўзбегим ўғлоплари” жамоаси фахрли I-ўринни эгаллади.





## “ШУНҚОРЛАР” ҲАРБИЙ-СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ

Мазкур мусобакани ўтказишдан асосий мақсад республикада мавжуд чақирик ёшидаги ўқувчи-ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизматни ўташ, ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун руҳан ва жисмонан тайёрлаш, улар ўртасида она-Ватанга муҳаббат, ҳарбий ватанпарварлик ғояларини тарғиб қилиш, ёшларда мамлакатимиз хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш учун масъулиятни янада кучайтиришдан иборат.

Эътиборли жиҳати, “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақалари ёшларнинг олий ҳарбий билим юртларига киришларида асосий аҳамият касб этмокда.

2007-2011 йилларда ушбу мусобақалар республикамизнинг вилоят, шаҳар ва туманларида катта кизиқиш ҳамда кўтаринки руҳда ўтказилиб, уларда **290 минг нафар**дан зиёд ўқувчи-ёшлар иштирок этдилар.


Мусобақаларнинг 2011 йилги республика финал босқичи 2-4 май кунлари Марказий ҳарбий округнинг ҳарбий дала машқ майдонида ўтказилди.



Мусобақалар натижаларига кўра, Наманган вилоятининг Учқўрғон педагогика коллежининг “Ўзбегим ўғлонлари” жамоаси фахрли 1-ўринни, Навоий вилояти Навоий информатика ва электроника саноати касб-ҳунар коллежининг “Темурийлар” жамоаси 2-ўринни, Самарқанд вилояти Пастдарғом политехника касб-ҳунар коллежининг “Шунқор” ҳамда Жиззах вилояти Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг “Алоқачи” жамоаси 3-ўринни қўлга киритдилар.



## “ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР” ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК МУСОБАҚАЛАРИ



www.kamolot.uz

Чакириккача тайёргарлик ёшидаги ўқувчи-ёшларни Ўзбекистон Республикаси чегара кўшинлари сафларида хизматни ўташ, ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун руҳан ва жисмонан тайёрлаш ва энг асосийси, ёш авлодда Давлат чегараларига нисбатан хурмат туйғусини шакллантириш мақсадида ўтказилди.

Мазкур мусобақада 2011 йилда чегара худудларидаги **5 минг нафар** ёш иштирок этди.

Мусобаканинг республика финал босқичи 2011 йилнинг 26-28 апрель кунлари Тошкент вилоятининг Чирчик шаҳрида ўтказилди.

Шунингдек, иштирокчилар ҳарбий ўқув корпуслари, курол-яроғ ва ҳарбий техникалар ва сержантларнинг ўқиш жараёнлари билан танишдилар.


Мусобақалар иштирокчилари мусобаканинг нафақат спортга оид шартларида, балки ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-амалий шартларида, давлат чегаралари саволлари юзасидан ҳам юқори натижалар кўрсатдилар.

Мусобақаларнинг натижаларига кўра, 1-ўринни Қорақалпоғистон Республикаси, 2-ўринни Тошкент вилояти, 3-ўринни Андижон вилояти “Ёш чегарачилари” кўлга киритди.



“Вижди.ли соғувчи” акциясининг асосий мақсади қонунчилик талабларини бажариш юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлашдан иборат.

## “ВИЖДОНЛИ СОТУВЧИ” АКЦИЯСИ




www.kamolot.uz

“Камолот” ЁИХ Марказий Кенгаши “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси, Ўзбекистон пиво ва алкогольсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ассоциацияси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 23-25 май кунлари пойтахтимизда “Виждонли сотувчи” акциясини ташкил этди.

Акциянинг асосий мақсади вояга етмаган ёшларга алкоголь маҳсулотларини сотишни тақиқлаш ҳамда қонунчилик талабларини бажариш юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлашдан иборат. Ушбу лойиҳа доирасида пойтахт туманларидаги 45 та савдо шохобчасини ўрганиш жараёнида таниқли санъаткорлар ҳам иштирок этди.

Ўрганиш давомида 7 нафар савдо шохобчаси ходими вояга етмаган ўсмирларга алкоголь маҳсулотларини сотишдан бош тортди. Ўз касбига масъулият билан ёндашган сотувчилар ташкилотчилар томонидан “Виждонли сотувчи” белгиси ақс эттирилган футболка ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, 38 нафар савдо шохобчаси ходимига ижтимоий жавобгарликни ақс эттирувчи баннерлар, буклетлар тақдим этилди.



## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Матбуот маркази Ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари, унинг фаолияти, амалга оширилаётган ишлари тўғрисида ахборот манбаини шакллантириш ва ёшлар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида тузилган.

Ҳаракат фаолиятини ёритишда асосий етакчи куч бу даврий матбуот нашрларидир. Ҳаракат муассислигидаги “Туркистон”, “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч” журнали ҳамда Ҳаракатнинг ҳаммуассислигида чоп этилаётган жами 9 та даврий нашрда “Камолот” ЁИХ фаолиятига дахлдор ахборот ва маълумотлар мунтазам бериб борилмоқда.

Бундан ташқари ҳар ойда икки мартаба “Ёшлар” телерадиоканали орқали эфирга узатиладиган “Камолот”-инфо” кўрсатуви Ҳаракат лойиҳалари ва тадбирларининг мазмун-моҳиятини батафсил ҳамда атрофлича ёритиш йўлга қўйилган.



Шунингдек, ўтган давр мобайнида Матбуот маркази томонидан “Ўзбекистон”, “Ёшлар” ва “С п о р т” телерадиоканаллари орқали бир нечта махсус кўрсатувлар, жумладан, “Қизлар давраси”, “Талабалар фестивали”, “Камолот” маликаси” стол тенниси мусобақаси, “Шункорлар” ҳарбий спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларга бағишланган махсус кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрланди ва эфирга узатилди.



## “КАМОЛОТ” – МЕНИНГ НИГОҲИМДА” МАВЗУИДА РАСМЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ



Мамлакатимизнинг энг чекка кишлок, овулидаги ёшларнинг ижодкорлик истеъдоди ва қобилиятларини эрта аниқлаш Ҳаракатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун Ҳаракат томонидан “Камолот” – менинг нигоҳимда” мавзуида расмлар кўрик-танлови ўтказилди. Кўргазма жорий йилнинг 14 октябрида Камолитдин Бехзод номидаги Рассомлик ва дизайн институтида, 20 октябрь куни Тошкент давлат архитектура институтида бўлиб ўтди.

Танловда иштирок этган иктидорли талаба-ёшларнинг асарлари Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг III Қурултойида ташкил этиладиган кўргазмада намоиш этилди. Энг сара ижодий асарлар Ҳаракат муассислигидаги нашрларда чоп этилади. Бундан ташқари [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ушбу расмлардан иборат махсус саҳифа ташкил этилди.



## “ВАТАН – МЕНИНГ ҒУРУРИМ” ТЎПЛАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-1516-сонли қарорига асосан ёшларнинг мустақиллик ҳақидаги фикрлари асосида “Ватан – менинг ғурурим” тўпламини тайёрлаш ва чоп этиш” белгиланган эди.

Жорий йилнинг май-июль ойлари давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган ёш ижодкорлар билан “Дўрмон” ижод уйида ўтказилган ижодий учрашувларда фаол иштирок этган ёшларнинг (ҳар бир ҳудуддан 5 нафардан) Ватан тўғрисидаги шеърларидан иборат “Ватан – менинг ғурурим: ёшлар баёзи” номли шеъррий тўплам нашрдан чиқарилди ва кенг ёшлар оммасига тақдим этилди.



**ЎЗБЕКИСТОН** Манзилга элтмайди майда қадамлар,  
 Майда орзуларга бермайлик қанот.  
 Майда гап-сўзларни кўйинг, одамлар,  
 Токи майдаланиб кетмасин хаёт.

Майда дардлардан ҳам асрангил юрак,  
 Катта шеърятни сол дилистонга.  
 Катта мақсад, катта қадамлар керак,  
 Катта йўлга чиққан-Ўзбекистонга!

МЕХРИНОЗ АББОСОВА  
 “Қамазақ” сардари

## РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ – ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИ СОҲИБИ



Ҳаракат мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида яна бир хайрли ишга қўл урди. Жумладан, ёшлар учун ҳар томонлама ўрناк бўлган, ўз соҳасининг билимдони сифатида тан олинган ёшларни, яъни мустақиллик кашфиётларини халқимизга, хусусан, кенг жамоатчиликка таништириш мақсадида замонамизнинг ёш қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятини ёритишга қаратилган “Юрт ифтихорлари” туркумидаги китобларни чоп этишни йўлга қўйди.

“Юрт ифтихорлари” туркумининг илк қаҳрамони жаҳон шахмат тожи соҳибии — Рустам Қосимжоновдир. Олтмиш тўрт катакка жо бўлган буюк ҳикмат шахматнинг сир-асрорлари ҳеч бир ёшни бефарқ қолдирмайди. Ватанимиз ифтихорининг ҳаёти, улғайиш пиллапоялари, оламшумул ғалабалари истиклол фарзандларида юртдан фахрланиш тўйғусини пайдо қилиши шубҳасиз!



## ҲАРБИЙ-СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ


Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукукбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ёз мавсумида Ҳаракат томонидан Ички ишлар бўлимларининг профилактик ҳисобидаги вояга етмаган ўсмирлар учун ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилди.

2007–2011 йиллар мобайнида **5 650 нафар** профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилди ва натижада **1 450 нафардан** зиёд хулқи ижобий томонга ўзгарган вояга етмаганларга Ҳаракат тавсияномалари асосида ҳисобдан чиқарилишига эришилди.



www.kamolot.uz

*ИИБ профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисида маълумот*



- ИИБ профилактик ҳисобидаги вояга етмаганлар сони
- Ҳарбий спорт оромгоҳларига жалб қилинган вояга етмаганлар сони
- “Камолот” тавсияномаси асосида ҳисобдан чиқарилган вояга етмаганлар сони



## “ОММАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ” МАВЗУСИДА АНЖУМАН

Бугунги глобллашув жараёнида ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи “оммавий маданият”га қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 14 февраль – 11 март кунлари “Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти” мавзусида анжуманлар ўтказилди.

Жойларда ташкил этилган анжуманларда вояга етмаган ёшлар ўртасида “Готлар ва эмолар кимлар?”, “Татуаж ва татуировкаларга муносабатингиз”, “Сиз учун 14 февраль қандай кун?” каби саволлар орқали ижтимоий сўровлар ўтказилиб, махсус видеоролик тайёрланди.

Анжуманнинг биринчи босқичи 2011 йил 14 февралда Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши биносидан ўтказилди. Унда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари, шунингдек, ички ишлар бўлимларида профилактик ҳисобда турувчи 50 нафар вояга етмаган ўсмир жалб қилинди.



Анжуманнинг иккинчи босқичи республикамиздаги ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилди.


Республика миқёсида ташкил этилган анжуманларда жами **25 мингга** яқин ҳамда унинг доирасида ўтказилган ижтимоий сўровларда **5 минг нафардан** зиёд ёшлар қатнашди.





АМОЛОТ

# ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҶА





## “Камолот” — энг ишончли ҳамкор!

**Алишер ШАЙХОВ,**  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:

– Яқинда Савдо-саноат палатаси “Камолот” ЁИХни “Энг ишончли ҳамкор” дипломи билан тақдирлади. Бу бежизга эмас, албатта. Зеро, мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси “Камолот” ЁИХ билан бирга ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келади. Айти кунгача Ҳаракат билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор” танловларини ўтказишга муваффақ бўлдик. Бу танловлар ўтган давр мобайнида минглаб ёшларга тадбиркорлик ишини йўлга қўйишда, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ёрдам берди. Мазкур танловлар ҳозирда республикамиз миқёсида кенг оммалашиб, “Камолот”нинг энг йирик лойиҳаларидан бирига айланди. Қанчадан-қанча ёшлар бу соҳада ўз малакаларни ошириб, ўнлаб тенгдошларини иш билан таъминлашга эришдилар.



## “Камолот” – ёшлар ишонч билдираётган ташкилот!

**Анвар АҲМЕДОВ,**  
Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси  
бошқаруви раиси:

– Ўзбекистон Маҳалла хайрия жамғармаси ёшлар ишонч билдираётган нодавлат ташкилот – “Камолот” ЁИХнинг навқирон авлоднинг ғайрат-шижоати, билими, иқтидори ва салоҳиятига таянган ҳолда ҳар бир йигит ва кизнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига хизмат қиладиган қизиқиш, интилиш, изланишларини рўёбга чиқаришга қаратилган лойиҳаларини доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу борада жамғарма билан Ҳаракат ўртасида ўтган йиллар мобайнида самарали ҳамкорлик ўрнатилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўйлайманки, фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида эътироф этиладиган ҳар иккала жамоат ташкилоти “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўёбга чиқаришда ижтимоий шериклик асосидаги муносабатларни янада такомиллаштириб бораверади. Зеро, бу – давр талаби!


## “ЁШ ТАДБИРКОР” КОНСУЛЬТАТИВ МАРКАЗЛАРИ

Ҳаракат томонидан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга йўналтирилган лойиҳаларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, умуман, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ҳаракатнинг ҳудудий ҳамда маҳаллий Кенгашлари қошида фаолият юритаётган “Ёшлар ижтимоий хизматлари” марказлари негизида 20 та “Ёш тадбиркор” консултив Маркази ташкил қилинди.

Ушбу марказларнинг асосий мақсади тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга давлат рўйхатидан ўтишга тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш, тижорат банкларидан кредит олишда ёрдам бериш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув-семинарларни ташкил қилишдир.



www.kamolot.uz



## ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ

Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари 2006 йилдан Ҳаракатнинг туман, шаҳар бўлимлари Кенгашлари қошида ташкил этила бошланган бўлиб, 2011 йилда улар сони жами 97 тага етди. Ушбу марказларда 331 та тўғарак мунтазам равишда фаолият юритмоқда.

Ушбу тўғаракларда жорий йилнинг 9 ойи давомида **52 655 нафар** ёш касбга йўналтирилган бўлса, 2006-2010 йилларда умумий ҳисобда **250 000 нафардан** зиёд ёш касбга йўналтирилди. Уқув марказларига жалб қилинган ёшларнинг аксарияти, яъни 57 фоизини кизлар ташкил қилади.

“Ёшлар ижтимоий хизматлари” марказларининг мақсади Ҳаракатнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, ёшларда фаол ҳаётий позицияларини шакллантириш, ижодий фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган ёшлар лойиҳалари ва дастурларини илмий, услубий, молиявий ва техник жиҳатдан таъминлашда яқиндан қўмаклашишдан иборат.

Шунингдек, ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш учун ихтисослаштирилган ёшлар хизматлари, марказлар, секциялар, клублар ташкил этиш ва ривожлантириш, ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантириш кўзда тутилган.



Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари:

- ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларга юридик, психологик, педагогик ва бошқа зарурий хизмат кўрсатилишида бепул ёрдам бериш;

- ёш инсоннинг тўлақонли шахсини шакллантириш, соғлом турмуш тарзи учун керакли шароитларни яратувчи ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг дам олишини ташкил этиш борасида ёшларга қизик бўлган замонавий шакл ва иш услубларини жорий этиш;

- ёшларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш, ўсмирларни ўсиб боровчи талаблар ва эҳтиёжлари асосида касб ва мутахассисликларга ўргатиш, ёшлар учун вақтинча, мавсумий ва жамоат ишларини ташкил этиш;


- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшлар, жумладан, ёш фермерларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни тадбиркорликка ўргатишга йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

## ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ

Ёшлар ижтимоий хизматлари марказларидаги тугаракларга 2007-2011 йилларда жалб қилинган ёшлар сони тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Худуд номи	2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		ЎИХМ сони	Жалб қилинган ёшлар сони	ЎИХМ сони	Жалб қилинган ёшлар сони	ЎИХМ сони	Жалб қилинган ёшлар сони	ЎИХМ сони	Жалб қилинган ёшлар сони	ЎИХМ сони	Жалб қилинган ёшлар сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4	890	4	1213	4	1595	4	1513	4	1524
2	Андижон	5	3020	6	1416	6	2488	7	2426	8	1386
3	Бухоро	5	5970	5	4741	7	5873	9	5850	9	5490
4	Жиззах	4	1274	5	1362	5	1770	5	1726	5	315
5	Қашқадарё	5	1859	5	1985	7	2780	7	2763	7	2143
6	Навсий	4	943	4	1326	4	1896	4	1864	4	677
7	Наманган	6	2315	6	1976	6	2780	7	2756	7	1887
8	Самарқанд	10	8703	10	9216	10	10123	10	10085	10	5115
9	Сирдарё	2	430	2	489	2	610	2	602	2	1074
10	Сурхондарё	6	2909	6	2148	6	2978	6	2964	6	1529
11	Тошкент вилояти	10	4612	10	8459	10	9094	10	9044	10	3753
12	Фарғона	11	5397	12	8974	15	7623	15	7547	16	6074
13	Хоразм	4	1442	4	1264	4	1411	4	1592	4	1199
14	Тошкент шаҳри	5	5496	5	11631	5	13990	5	13735	5	4016
	Жами	81	45260	84	56200	91	64467	95	65011	97	36282

www.kamolot.uz





## “ЁШ ТАДБИРКОР – ЮРТГА МАДАДКОР” ЛОЙИХАСИ

Ёш тадбиркорлар манфаатларини химоя қилиш, имтиёзли микрокредитлар олишда кўмаклашиш, яратилаётган кенг имкониятлар билан уларни таништириш, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида 2008 йилдан буён “Микрокредитбанк” ОАТБ ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” лойиҳаси ўтказилиб келинмоқда.

Ҳаракат томонидан лойиҳа доирасида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш тадбиркорларга бошланғич сармояни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 500 баробаригача бўлган миқдорда, 2 йилгача бўлган муддатга 3-6 фоизли имтиёзли микрокредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Шунингдек, лойиҳа доирасида ташкил қилинган танловда ҳар йили **80 нафардан** зиёд ёшлар тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган махсус ўқув-семинарларга жалб қилиниб, семинар якуни бўйича ўтказилган танловда ғолибликни қўлга киритган ёш тадбиркорларга “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан берилган кредитларнинг фоиз ставкалари рағбат сифатида “Камолот” ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан коплаб берилмоқда.






## “ЁШ ТАДБИРКОР КАМОЛОТИ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИ” ТАНЛОВИ



Танлов доирасида кредит олган ёшлар




Ёшларни қишлоқ хўжалигида тадбиркорликка жалб қилиш ва айнан қишлоқдаги, биринчи навбатда, чекка ҳудудлардаги ёшларни иш билан таъминлаш, шунингдек, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида 2009 йилдан буён “Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркор камолоти – қишлоқ тараққиёти кафолати” танлови ўтказилиб келинмоқда.

Эътиборли жиҳати, ушбу лойиҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар учун дастлаб соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, молиявий фаолияти, бизнесни бошқариш усуллари ҳамда бизнес режани тузишга қаратилган махсус ўқув-семинарлар ташкил қилиниб, уларда тадбиркорлик кўникмалари шакллантирилгандан сўнг, кредит маблағлари ажратилмоқда.


Ажратилган микрокредитлар (млн.сўм)

■ 2009 йил ■ 2010 йил ■ 2011 йил



Лойиҳа доирасида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш тадбиркорларга энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоригача сармояни шакллантириш ва айланма маблағларни ривожлантириш учун йиллик 6 фоиз миқдорда 36 ой муддатга имтиёзли кредитлар ажратилишида кўмаклашиб келинмоқда.

## “МЕНИНГ БИЗНЕС ҒОЯМ” ТАНЛОВИ



Касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш ва ўз бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда “Менинг бизнес ғоям” танлови ташкил қилинди.

Мазкур лойиҳа республика бўйича тўрт босқичда ташкил қилиниб, танловнинг биринчи босқичида республикамизнинг барча академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида **22 мингдан зиёд** касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчилари ўз иншолари билан иштирок этди.

Танловнинг иккинчи босқичида **4344 нафар** ёш тадбиркор учун ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув-машғулотлар ташкил қилинган бўлса, 3-босқичда қатнашган **972 нафар** битирувчининг бизнес лойиҳалари ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан кўриб чиқилди. Сўнгги босқич натижаларига кўра, **132 нафар** ёш танловнинг республика босқичи доирасида ташкил қилинган кузги ўқув оромгоҳига жалб қилинди.



## “MINITECH.UZ” ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

Ёшларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни шакллантириш ва ўз бизнесини ривожлантириш учун имкониятлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда “MINITECH.UZ” халқаро кўргазмаси 2009 йилдан буён ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 13-16 октябрь кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзкўргазмасавдо” кўргазмалар залида ҳамда 19-23 октябрь кунлари Самарқанд шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “MINITECH.UZ” халқаро кўргазмаси ўтказилди.




Кўргазмада Хитой ва Ҳиндистондан 80 дан ортиқ йирик ишлаб чиқарувчилари томонидан:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш;
- сувни тозалаш ва томчилаб суғориш;
- қишлоқ хўжалиги машиналари;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- муқобил энергия ишлаб чиқариш;
- автомашиналар учун газ балонларини ишлаб чиқариш;
- тош, металл ва ёғочга ишлов бериш ва бошқа ускуна ва технологиялар намоиш этилди.

Кўргазмага Жиззах, Сирдарё, Навоий, Қашқадарё вилоятларидан жами 194 нафар ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш мақсадида бўлган ёш тадбиркорлар ташрифи уюштирилди. Бундан ташқари, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги туманлардан **5127 нафар** тадбиркор ва **17800 нафар**дан зиёд олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчи талабалари жалб қилинди.

Ёшларимиз ўз тадбиркорлик йўналишлари бўйича замонавий технологиялар билан яқиндан танишдилар ва ўзлари учун макбул шартномаларни имзолашга эришдилар.



## “МУТАХАССИСЛИК – СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГ” КЎРГАЗМАСИ



Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг касб танлашига кўмаклашиш, республикамиздаги барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлардаги мутахассислик ва йўналишлар билан уларни яқиндан таништириш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишларига яқиндан кўмаклашиш мақсадида 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида “Мутахассислик – сенинг келажагинг” кўргазмаси ташкил этилиб келинмоқда.

Мазкур кўргазмада 1 445 та ўрта махсус таълим муассасаси жами 3 556 та мутахассислик ва йўналишлари билан иштирок этди. Кўргазмаларга жойлардаги 7 610 та мактабдан **463 452 нафар** мактаб битирувчиси ота-оналари билан жалб қилинди.

Кўргазмада иштирок этган умумтаълим мактаблари битирувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари жойларда фаолият юритаётган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлардаги мутахассисликлар ва йўналишлар, талабалар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, таълимнинг кейинги босқичида таҳсил олиш учун тегишли мутахассисликларни танладилар ва ўзларини кизиқтирган барча саволларга тегишли жавоблар олдилар.

Эътиборли жиҳати, кўргазма доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишларини таъминлаш мақсадида “Бўш иш ўринлари” ярмаркаси ташкил этилиб, унда жами **17 921 нафар** коллеж битирувчисининг ишга жойлашишига эришилди.



## “ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК – 2011” ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

Хукуматимиз томонидан таълим соҳасида ёшлар учун яратилаётган имкониятларни тарғиб қилиш ва оммалаштириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини мамлакатимиздаги етакчи олий таълим муассасаларидаги касб ва мутахассисликлар йўналишлари билан таништириш, эркин касб танлаш имкониятини яратиш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда унинг қошидаги “SSP-Exprocontac” масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида аъъанавий тарзда “Таълим ва мутахассислик – 2011” халқаро кўргазмаси ташкил этиб келмоқда.

Бу йил олтинчи мартаба ўтказилаётган мазкур кўргазмада мамлакатимиздаги 60 дан зиёд олий ўқув юртлари катори хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларининг республикаимиздаги филиаллари, ёшларни касбга йўналтиришга қаратилган 30 дан зиёд турли ўқув марказлари иштирок этди.

Кўргазмага **22400 нафар** касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари жалб қилинди.

Кўргазма доирасида “Камолот” ЁИХ, Савдо-саноат палатаси ва “Агробанк” ОАТБ ҳамда “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг тақдимотлари ташкил қилинди.





**ЁШЛАРНИНГ ИСТЕЪДОД  
ВА ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
СОҲАСИ**





## “Камолот” янги номларни, чемпонларни, албатта, кашф этади!

**Рустам ҚОСИМЖОНОВ,**

Жаҳон шахмат тожи соҳиби:

– Очиги, агар мустақиллик бўлмаса, мен каерда эдим, халқаро турнирлар, компьютерда жаҳон шахмати сир-асрорларини ўрганиш, Вишванатан Ананд билан учрашув каерда эди? Ана шу имкониятларни яратган давлатга, аввало, ташаккур айтгим келади. Биринчи ютуғимни қўлга киритганимда мадҳиямиз дунё бўйлаб янграши учун бор куч-қувватимни бағишлайман, деб ўзимга сўз берган эдим. Бугун катта муваффақиятларни қўлга киритиб, юртимизда мени дунёга танитишга ёрдам берган Ватанда ўзим қизиққан спорт турини оммалаштиришга бел боғладим. Ўйлайманки, бу орзуимни мен “Камолот” ЁИХ билан бирга амалга ошира оламан. Зеро, бу ташкилот республикамизда “Камолот” шахмат тахтаси” мусобақасини ташкил этиш ва ўтказишда ўзига хос тажрибага эга. “Камолот” ЁИХ спортнинг шахмат тури бўйича янги номларни, чемпионларни, албатта, кашф этади! Бу ташкилот билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорман.




## “Камолот” – истеъдодларни бирлаштирган ташкилот!”

**Шодия ТҲХТАЕВА,**

Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси,  
“Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони соҳибаси:


– Замонамиз қаҳрамонини доимо четдан излаймиз. Аслида, замонамиз қаҳрамонлари орамизда. Уларни истиклол кашф этаяпти. Ёшлар қалбига умид, шижоат улашяпти. Истеъдодли ёшлар сафида “Камолот” ЁИХ томонидан мазкур кўкрак нишони билан тақдирланишим замирида менга билдирилган юксак ишонч мужассамлигидан фахрландим. Ушбу тадбирга келган тенгдошларимни, укасингилларимни кўриб, улар эришган ютуқларга ҳавасим келди. Уларнинг аксарияти Ҳаракат сафида бирлашган. Зеро, бу муҳташам санъат саройига йиғилган йигит-қизлар орасида ўн етти ёшида жаҳон спорт аренасида чемпион деган шарафли номга сазовор бўлган спортчилардан тортиб, тенгқурларини иш билан таъминлаётган тадбиркор ёшларгача — юртимиз равнакига муносиб ҳисса қўшаётган тенгдошларимизнинг борлигидан фахрланаман. Назаримда, она-Ватани учун нимадир эзгу иш қила олган инсонни ҳақли равишда қаҳрамон, десак бўлади. Мана шу ёшлардаги хислатларни умумлаштириб, сахна ва телсвидениега ҳақиқий замон қаҳрамони образини олиб чиқиш учун етарлича манба мавжуд. Демак, замонамиз қаҳрамонларини “Камолот”чилар сафидан топиш мумкин!

## “ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ” КЎКРАК НИШОНИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 августдаги “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ-3290-сонли Фармониغا мувофиқ, фан ва техника, маданият, адабиёт ва санъат соҳасида алоҳида муваффақиятга эришаётган ёшлар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирлаб келинмоқда.

2003–2011 йиллар давомида мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган жами **347 нафар** ёш “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.





## “КАМОЛОТ” СТИПЕНДИЯСИ



www.kamolot.uz

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида талабаларнинг жамоат ишларидаги фаоллиги ва ташаббускорлигини рағбатлантириш мақсадида “Камолот” стипендияси таъсис этилди.

“Камолот” стипендияси танловида 2007 йилда 408 нафар, 2008 йилда 493 нафар, 2009 йилда 529 нафар, 2010 йилда эса 670 нафар талаба иштирок этди.

2007–2010 йиллар мобайнида республика олий таълим муассасаларидан жами **78 нафар** талаба стипендия билан тақдирланди.



## “ЁШ ОЛИМЛАР СТИПЕНДИЯСИ” ТАНЛОВИ



Ёш олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларга ташкилий, илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, яратган янгилик ва ихтироларини амалиётга татбиқ этишда кўмаклашиш мақсадида 2010 йилда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан “Ёш олимлар стипендияси” таъсис этилди.

“Ёш олимлар стипендияси” танлови қуйидаги тартибда амалга оширилади. Бунда танловда иштирок этувчиларнинг ҳужжатлари қабул қилинганча, улар махсус ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, муносиблари сараланади.

Яқуний босқичда ёш олимлар ўзларининг илмий иши ва фаолияти тўғрисидаги тақдимот билан иштирок этади.

Ғолибларга Ҳаракат томонидан йил давомида энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридида стипендия тўлаб борилади.

“Ёш олимлар стипендияси” танловида 2010–2011 йиллар давомида табиий, аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари бўйича жами **25 нафар** ёш олим ғолиб деб топилди.



## “КАМОЛОТ” ТАЪЛИМ ГРАНТИ



www.kamolot.uz

Иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларни илмий тадқиқотлар олиб бориш, инновацион техно-логиялар яратиш жараёнларига кенг жалб этиш, уларнинг ижодий фао-лиятларини янада ривожлантиришда кўмаклашиш мақсадида 2007 йилдан буён олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида “Камолот” таълим гранти лойиҳаси ташкил этиб келинмоқда.

“Камолот” таълим гранти танловида 2007 йилда 272 нафар, 2008 йилда 405 нафар, 2009 йилда 580 нафар, 2010 йилда 880 нафар талаба иштирок этди.

Совриндорларларга шартнома-тўловининг 50 фоизи Ҳаракат томонидан тўлаб берилди.

2007–2010 йиллар мобайнида **92 нафар** талаба “Камолот” таълим гранти совриндорлари бўлишди.



## МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ, ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизimini янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-213-сон Қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсиянома билан ўқишга қабул қилинган талабалар Ҳаракат фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда, уларнинг шартнома-тўловининг 35 фоизи тўлаб борилмоқда.

Жумладан, 2006-2007 ўқув йилида 2731 нафар, 2007-2008 ўқув йилида 6478 нафар, 2008-2009 ўқув йилида 9628 нафар, 2009-2010 ўқув йилида 14 533 нафар, 2010-2011 ўқув йилида **11 046 нафар** муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан моддий қўллаб-қувватланди.

Олий таълим муассасаларидаги Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари қошида “Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар билан ишлаш маркази” фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳозирда 120 нафардан ортиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар Ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари кенгаши аъзоси, 115 нафардан зиёд талабалар факультет етакчилари, 730 нафарга яқин талабалар гуруҳ етакчилари ҳисобланади.

Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабаларни жалб этган ҳолда олий таълим муассасасида “Ватанпарвар”, “Қалқон”, “Посбон” каби гуруҳлар ташкил этилган. Ушбу гуруҳларда **7400 нафардан** зиёд талабалар фаоллик кўрсатиб келмоқда.



## “ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ”



Талаба-ёшларни мамлакатимиз тараккиёти йўлида бирлаштириш, уларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш бўйича ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш мақсадида 2008 йил Самарканд шаҳрида **2500 нафардан** зиёд талаба-ёшлар иштирокида “Талабалар баҳори” фестивали ҳамда 2010 йил Бухоро шаҳрида **3500 нафардан** зиёд талаба-ёшлар иштирокида “Талабалар фестивали” ташкил этилди. Фестиваллар доирасида “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни”, “Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш”, “Глобаллашув жараёнида ёшларнинг ўрни”, “Камолот”: муаммо ва ечимлар” каби мавзуларда илмий-амалий анжуманлар, етакчилар форуми, “Нихол” театр томошалари фестивали, “Заковат” интеллектуал ўйини, иқтидорли талабалар танлови ҳамда 40 дан ортиқ семинар-тренинг, мастер-класслар ва спорт мусобақалари ташкил этилди.

www.kamolot.uz



## “ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР” КЎРИК-ТАНЛОВИ

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танлови ўтказилиб, унда талабаларнинг ватанпарварлик, инсонийлик, тинчлик, дўстлик, гўзаллик ва эзгуликка чорловчи ғоялар сингдирилган чиқишлари, сатирик ва юмористик, бадиий-театрлаштирилган, ҳазил-мутойибаларига асосланган сахна кўринишлари намойиш этиб келинмоқда.

Йилдан-йилга кўрик-танловнинг камров доираси кенгайиб бормоқда. Масалан, 2007 йилда 16 та, 2008 йилда 22 та, 2009 йилда 30 та, 2010 йилда 45 та, 2011 йилда 58 та олий таълим муассасаси жамоалари иштирок этгани фикримиз далилидир.

Кўрик-танловнинг республика босқичи ҳар йили пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида ташкил этилади.



Ҳар бир беллашувга 500-800 нафаргача талаба-ёшлар томошабин сифатида ташриф буюради.

Диққатга сазовор томони 2007 – 2011 йиллар давомида кўрик-танлов 40 минг нафардан зиёд ёшларни қамраб олди.



## “КЕЛАЖАК ОВОЗИ” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ



“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида иқтидорли ва истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Келажак овози” республика танлови ташкил этиб келинмоқда.

www.kamolot.uz

Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар “Архитектура ва дизайн” (архитектура, либос дизайни, интерьер ва ландшафт дизайни), “Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар” (веб-ишланмалар, дастурий таъминот, техник ишланмалар, рационализаторлик таклифлар, менежментни яхшилаш таклифлари, администрациялаш ва ишлаб чиқариш жараёнини тизимлаш), “Миллий ва амалий санъат” (тасвирий санъат, амалий санъат, фольклор, ракс), “Адабий ижод ва публицистика” (назм, наср, публицистика) йўналишлари бўйича қатнашади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган иштирокчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2005 йил 3 минг, 2006 йилда 10 минг, 2007 йил 30 минг, 2008 йил 54 минг, 2009 йил 63 минг, 2010 йил 75 минг, 2011 йилда 100 минг нафардан ортик йигит-қизлар кўриктанловда иштирок этди.

Танлов доирасида **288 нафар** иқтидорли ёш кашф этилиб, улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди.



## “БУНЁДКОР” ЁШЛАР МЕХНАТ ҲАРАКАТИ

Ёшлар бўш вақтларида фойдали меҳнат билан шуғулланиши, маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишида кўмаклашиш мақсадида 2007 йилдан буён “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси ташкил этиб келинмоқда.

2007 йилда **12 200 нафар**, 2008 йилда **17 125 нафар**, 2009 йилда **20 минг нафар**, 2010 йилда **25 минг нафар**, 2011 йилда эса **35 минг нафар**дан зиёд талаба ва вақтинчалик ишсиз ёшлар “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракатида иштирок этди.



Жумладан, “Бунёдкор”чи ёшларнинг “Тошғуздор-Бойсун-Кумкўрғон” темир йўл қурилиши, Андижон, Навоий, Наманган шаҳарларидаги “Ёшлар маркази”, Нукус шаҳридаги “Мустақиллик майдони”, Тошкент шаҳридаги “Медиамарказ”, Наманган шаҳридаги “Қамолот” боғи, Термиз шаҳридаги марказий ўйингоҳ қурилишларида муносиб хиссалари бор.

“Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракатида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, маданий ҳордиқ олишини таъминлаш мақсадида маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этилиб келинади.


“Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати ўртасида “Энг яхши меҳнат гуруҳи”, “Меҳнат гуруҳининг энг фаол аъзоси” каби йўналишлар бўйича танловлар ўтказилиб, энг фаол иштирок этган ёшлар гуруҳи рағбатлантириб келинмоқда.





АМОЛОТ

СПОРТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ,  
ЁШЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ  
ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
СОҶАСИ






## “Камолот” – ўз истеъдодингни рўёбга чиқаришингда улкан имконият!

**Равшан ЭРМАТОВ,**

“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби,  
футбол бўйича Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками:

– Бугунги ёшлар: укаларимиз, сингилларимиз — барчамизнинг энг катта ютуғимиз нима, биласизми? Бизнинг ютуғимиз — бугун бизга билдирилаётган юксак ишонч. Бу ишончнинг халкимиз, давлатимиз, муҳтарам Президентимиз томонидан билдирилаётгани эса икки карра масъулиятли бўлиб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Шундай ишонч туфайли мен 25 ёшимда ФИФА рефериси бўлдим. 30 ёшимда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати финалини бошқардим. Кейин эса жаҳон чемпионатининг бешта учрашувини бошқариш менга ишониб топширилди.

Ишончим комилки, “Камолот” лойиҳаларида катнашаётган ука-сингилларимиз, яъни мамлакатимиздаги истеъдодли ёшларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Вилоятлар, шаҳару қишлоқларимизда бу каби миллионлаб иқтидор соҳиблари борлигига ишонаман. “Камолот” айнан ана шундай ёшларни излаб топишда ва юзага чиқаришда жонбозлик кўрсатиши керак. Зеро, укам-синглим, унутма: “Камолот” – ўз истеъдодингни рўёбга чиқаришингда улкан имконият!



## “Камолот” – комилликка интилаётган ёшларни бирлаштирган ташкилот!

**Танзила НАРБАЕВА,**

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси  
раиси:

– Бугунги кунда мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотлари ҳисобланган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва “Камолот” ЁИҲ билан ҳамкорлик янада кучайиб бормоқда. Буни мазкур ташкилотлар ўртасида 2011-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик фаолияти бўйича қўшма тадбирлар тўғрисидаги қарор ҳам тасдиқлаб турибди. Ушбу қарор ижроси юзасидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қатор тадбирлар ташкил этилди. Буни, айниқса, болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми давомида яққол кўриш мумкин. Яъни оромгоҳларда болалар учун маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишда Ҳаракат фаол иштирок этиб келди. “Камолот”-TUR” IV миллий веломарафонини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишдаги ҳамкорлик натижасида ушбу спорт мусобакасини янада кенгроқ оммалаштириш имкони туғилди. Бу эса ўз навбатида ҳар икки ташкилот бошқа йўналишларда янги лойиҳаларни амалиётга жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўришини талаб этади. Зеро, бугун янги даврда мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган янги ғоялар, янги ташаббуслар учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Шу жиҳатдан “Камолот” комилликка интилаётган ёшларни бирлаштирган етакчи ташкилот сифатида ёшларнинг ҳаётини янги мазмун билан тўлдиришига тилакдошимиз.

## “КАМОЛОТ МАЛИКАСИ” СТОЛ ТЕННИСИ МУСОБАҚАСИ

Ёшларнинг жисмонан баркамол бўлиб вояга етишишида кўмаклашиш, кизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни спортга оммавий равишда жалб этиш мақсадида спортнинг стол тенниси тури бўйича “Камолот маликаси” мусобақалари ташкил этиб келинмоқда.

“Камолот маликаси” стол тенниси мусобақаси туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида боскичма-боскич ташкил этилиб, унда 17 ёшгача бўлган ҳаваскор спортчи кизлар иштирок этади.

Мусобақаларда 2007-2011 йиллар давомида жами 31 минг нафардан зиёд кизлар қамраб олинди.



www.kamolot.uz



## “КАМОЛОТ – TUR” ЁШЛАР ВЕЛОМАРАФОНИ



Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва спортнинг оммавий турларини кенг тарғиб қилиш, хаваскор велоспортчи ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008 йилдан буён Ҳаракат ташаббуси билан велоспорт бўйича “Камолот – TUR” ёшлар веломарафони ўтказиб келинмоқда.

Веломарафон уч ёш тоифаси бўйича, яъни 9-14 ёшли болалар, 15-17 ёшли ўсмир ёшлар ҳамда 18-30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ташкил этилади.

Веломарафонда иштирок этувчи ёшлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2011 йилда “Камолот – TUR” IV миллий ёшлар веломарафони Тошкент шаҳрида ўтказилиб, унда **5 минг нафардан** зиёд хаваскор спортчилар катнашди.

Веломарафонда 2008-2011 йиллар давомида жами **8 минг нафардан** зиёд ёшлар иштирок этди.



## “ШУМ БОЛА” СПОРТ ФЕСТИВАЛИ



Жорий йилнинг 7-10 июль кунлари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида спортнинг қўл тўпи тури бўйича анъанавий “Шум бола” спорт фестивали ўтказилди.

Спорт фестивалининг биринчи босқичи туман, шаҳарларда, иккинчи босқичи вилоятларда ўтказилиб, уларда 2320 нафар ўсмир иштирок этган бўлса, учинчи босқичда эса 196 нафар спортчи қатнашди.

Фестивалда Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан жамоалар иштирок этиб, тадбир натижасига кўра, Қашқадарё вилояти жамоаси 1-ўрин, Бухоро вилояти жамоаси 2-ўрин, Навоий вилояти жамоаси 3-ўринни эгаллади.



## “КАМОЛОТ ШАХМАТ ТАХТАСИ” ТУРНИРИ

Мамлакатимизда шахмат спортини ривожлантириш, ҳаваскор ва ёш шахматчиларнинг тажрибасини ошириш мақсадида 2007 йилдан буён спортнинг шахмат тури бўйича “Камолот шахмат тахтаси” турнири ўтказиб келинмоқда.

Турнир 4 босқичда ташкил этилиб, унда ёшлар 6-12, 13-16 ва 16-19 ёш категориялари бўйича иштирок этадилар.

2007–2011 йиллар давомида “Камолот шахмат тахтаси” турнири доирасида жами **25 000 нафар**дан зиёд ёшлар қамраб олинган.



## “ТўМАРИС СПОРТ МАЛИКАСИ–2011” МУСОБАҚАСИ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон “Шарк якка курашлари ва Жанг санъатини ривожлантириш” маркази билан ҳамкорликда Ҳаракатнинг 10 йиллиги муносабати билан, пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида спортнинг жанговар турлари билан шуғулланувчи 17 ёшли қизлар ўртасида “Тўмарис спорт маликаси–2011” мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада жанговар спорт турлари билан шуғулланадиган 100 нафарга яқин қизлар ўзларининг маҳоратларини намоиш этишди.



## БАДМИНТОН БЎЙИЧА “КАМОЛОТ КУБОГИ” МУСОБАҚАСИ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан 2008 йилдан буён спортнинг бадминтон турини ривожлантириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш ҳамда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида ёшлар ўртасида “Камолот кубоги” мусобақаси ташкил этиб келинмоқда.

Мусобақаларда 2008–2011 йиллар давомида **6 минг нафардан** зиёд ёшлар иштирок этишди.





## “СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ”



www.kamolot.uz

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон “Анъанавий Карате-До” федерацияси ҳамкорлигида Ҳаракатнинг 10 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги “Сағбон” спорт марказида спортнинг “Анъанавий Карате-До” тури бўйича “Соғлом турмуш тарафдоримиз” шиори остида вояга етмаган ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда республикамизнинг барча вилоятларидан **100 нафардан** зиёд спортчилар катнашишди. Чемпионат якуни бўйича умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти жамоаси 1-ўринни, Фарғона, Андижон вилоятлари 2-3-ўринларни қўлга киритди.





# АМОЛОТ

## ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТ СОҲАСИ



## “ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР” БЎЛИМИНИНГ 2006–2011 ЙИЛЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ



Ҳаракат ҳамда Озарбойжон ёшлар ва спорт ишлари вазирлиги ўртасида 2002 йилдан буён узлуксиз ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Жумладан, 2010 йил 27-30 сентябрь кунлари “Камолот” ЁИХ фаоллари, маданият ва санъат соҳаси вакиллари, хунармандлар – жами 18 нафар кишидан иборат ёшлар делегацияси Боку шаҳрида бўлиб, “Озарбойжонда Ўзбекистон ёшлари кунлари” да иштирок этишди.

2010 йил 11-12 ноябрь кунлари Боку шаҳрида «Ёшлар – экологик тараққиёт учун» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ҳаракат томонидан “Ёш олимлар кенгаши” илмий котиби Гулсанам Тиллаева ўз маърузаси билан иштирок этди.

2011 йилнинг 5-7 апрель кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ёш модельерлар фестивалида Ўзбекистондан Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси Чурсина Таисиянинг иштироки таъминланди. Фестивалда ёш модельеримиз ўзининг “Кумуш” деб номланган ҳамда яна бир ўзбекистонлик ёш модельер Шаҳноза Альтметова “Шаркона ранглар” номли коллекциясини намойиш этиб, фестивалнинг махсус дипломи билан тақдирланди.

2011 йилнинг 25-28 апрель кунлари Ўзбекистонга Озарбойжон ёшлар ва спорт ишлари вазири ўринбосари Интигам Бабаев бошчилигидаги 21 нафар кишидан иборат делегацияси “Ўзбекистонда Озарбойжон ёшлари кунлари” да иштирок этди.



## “ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР” БЎЛИМИНИНГ 2006–2011 ЙИЛЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ



2011 йилнинг 6-13 июнь кунлари Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати делегацияси Германиядаги ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Германия Федератив Республикасининг Штутгарт шаҳрида ўтказилган 14-болалар ва ёшларга кўмак кўرғазмасида иштирок этди.

Ташриф чоғида Ҳаракат Германиядаги ёшлар ташкилотлари вакиллари билан турли учрашувлар ўтказиб, келажакда ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олинди.



# KAMALAK

БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ





## “Камолот” — катта умидлар боғланган ташкилот!

**Сайёра РАШИДОВА,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман):

– Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганига 60 йилдан ошди. Бироқ дунёда ҳали-ҳамон кишилар, айниқса, болалар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида билишлари ва ҳуқуқлари паймол этилган тақдирда, қандай йўл тутишларини билишлари борасида ҳали кўп иш қилиш керак. Ўзбекистонда бугунги кунда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик асослари яратилди. Эндиги навбат уларга риоя этилиши юзасидан аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришдан иборат. Шунинг учун бу масалада энг йирик жамоат ташкилотларидан бири бўлган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига катта умидлар боғлаймиз. Зеро, Ҳаракат бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги тегишли тадқиқотларни ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш, бола ҳуқуқлари ҳақидаги маълумотларни тарғиб ва ташвиқ этишда, шунингдек, болалик муаммолари билан шуғулланувчи давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари билан очик мулоқот ўрнатишда ўзига хос майдон ва кўприк вазифасини ўташи лозим. Бу борада Ҳаракат ҳомийлигидаги “Камалак” болалар ташкилоти имкониятларидан самарали фойдаланиш фойдадан ҳоли эмас.



## “Камалак” болалар ташкилоти – жамиятимиз ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётида фаол куч!

**Абдуғани ХОЛБЕКОВ,**

Халқ таълими вазири ўринбосари:

– “Камолот” ЁИХ ҳомийлигидаги “Камалак” болалар ташкилоти ташкил топган кундан бошлаб жамиятимиз ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётида фаол куч сифатида фаолият юритмоқда. Таълим-тарбия жараёнида ўзаро узвийликни таъминловчи “Камалак” болалар ташкилоти ҳам ўз фаолиятида тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усулларидан кенг фойдаланиб, ўғил-қизларнинг қалби ва онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдирган ҳолда ўқувчиларни буюк аждодларимиз меросини ўрганишда, урф-одатларимиз, кадриятларимиз ва анъаналаримиз тиклашда, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда муҳим омил бўлмоқда.



## “КАДРИЯТ , УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ЁШЛАР” ЛОЙИХАСИ



Асрлар давомида халқимиз орасида яшаб келаётган барҳаёт анъаналар, урф-одат ва кадриятларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш орқали уларнинг маънавий баркамол бўлиб вояга етишларида кўмаклашиш мақсадида 2007 йилдан буён “Кадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” лойиҳаси ўтказиб келинмоқда.

Лойиҳа доирасида “Ҳар бир ёшга бир ниҳол” акцияси, “Варрақлар сайли”, “Урф-одат ва ёшлар”, “Миллий ўйинлар” фестивали, миллий таомларни тайёрлаш, дастурхон безаш бўйича танловлар, миллий либослар намойиши, фольклор қўшиқлар ижроси каби **1210** тадан ортик тадбирлар ўтказилди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган лойиҳада 2007–2011 йиллар давомида **300 минг нафардан** зиёд болалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Камалак» болалар ташкилотининг 10 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида «Бахтли болалик» лойиҳаси ўтказилди.







## “БАХТЛИ БОЛАЛИК” ЛОЙИХАСИ



“Камалак” болалар ташкилотининг 10 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида “Бахтли болалик” лойиҳаси ўтказилди.

Лойиҳа 2011 йил 25 апрелдан 25 майга қадар республикамизнинг барча ҳудудларида кенг кўламда ўтказилиб, 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган **200 минг нафардан** зиёд болаларни қамраб олишга эришилди.

Лойиҳа қуйидаги тадбирларни ўз ичига олди:

- “Экология ва мен” болалар конференцияси;
- “Миллий ўйинчоқлар” фестивали;
- Болаларнинг тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси;
- “Мен ҳам аскар бўламан!” лойиҳаси;
- “БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари – менинг нигоҳимда” тарғибот акцияси;
- “Бола ҳуқуқлари – Давлат ҳимоясида” лойиҳаси;
- “Соғлом авлод” болалар спартакиадаси;
- “Қадрият, урф-одат, анъана ва болалар” фестивали;
- “Камалак” аъзосиман” лойиҳаси;
- “Камалак” билимдонлари” танлови;
- “Биз бир сафдамиз” лойиҳаси;
- “Энг намунали “Камалак” болалар ташкилоти”нинг тақдироти;
- Республика “Камалак” болалар ташкилотининг анъанавий Ханжумани.

Лойиҳа моҳиятини ёритиш мақсадида махсус ишлаб чиқилган логотип республикамизнинг барча ҳудудларига тарқатилган **10 мингдан** ортиқ плакат, стиккер, кўкрак нишони ва кенг ҳажмдаги баннерларда ўз аксини топди.



## «ОНАЖОН МУЎТАБАР» ЛОЙИХАСИ



2009 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти томонидан «Онажон муўтабар» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, мазкур лойиҳа давомида «Камалак» болалар ташкилоти аъзоларининг оналарига ташаккурномалар, табрикномалар ва эсдалик совғалари юборилиб, улар учун байрам дастурлари ташкил этилади.

2009–2011 йилларда ушбу лойиҳа доирасида республика бўйича 557 та тадбир уюштирилиб, унда 42 425 нафардан зиёд оналар байрам билан табрикланди.



## “КАМАЛАК” БИЛИМДОНЛАРИ” ТАНЛОВИ



Иктидорли болаларни аниқлаш, уларнинг билимларини ошириш, сардорлик қобилиятларини намоён этишда кўмаклашиш ва кўллаб-қувватлаш мақсадида “Камалак” билимдонлари” танлови ташкил этиб келинмоқда.

Танловда 2010 йилда республика бўйича 2 568 та умумтаълим мактаби жамоалари қатнашган бўлса, 2011 йилда 6248 та жамоа иштирок этди.

Танлов 2010–2011 йилларда 130 минг нафардан зиёд болани қамраб олди.



## «ЯНГИ АВЛОД» РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ

2007 йилдан буён “�збекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси билан ҳамкорликда истеъдодли болаларни аниқлаш ва қобилиятларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш мақсадида “Янги авлод” республика болалар ижодиёти фестивали ташкил этиб келинмоқда.

Фестивалда болалар тасвирий ва амалий санъат, рақс, вокал, миллий чолғучилик, шеърят йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш этадилар. Фестивал туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида босқичма-босқич ташкил этилиб, “Истиклол”саройида фестивал якуни бўйича гала-концерт уюштирилади ҳамда унда голиблар тақдирланади.



2007-2010 йиллар давомида “Янги авлод” республика болалар ижодиёти фестивалида 70 минг нафардан ортиқ болалар иштирок этиб, 446 нафар истеъдодли болалар тақдирланди. совғалар топширилди.



## “КАМАЛАК” ДАН ЯНГИ ЙИЛ” ЛОЙИХАСИ

Ҳар йили “Янги йил” байрами арафасида меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, маҳаллалардаги кам таъминланган оила фарзандларини маънавий кўллаб-қувватлаш мақсадида “Камалак”дан янги йил” лойиҳаси ташкил этиб келинмоқда.

Лойиҳа доирасида “Биз биргамиз”, “Кўчма арча”, “Янги йил карнавали”, “Янги йил муборак”, “Қорбобо маҳаллада” каби байрам тадбирлари ўтказилади.

2008–2011 йиллар давомида лойиҳа **125 минг нафар**га яқин болани қамраб олди.



Имконияти чекланган, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган болалар учун “Камалак”дан совға”, уруш ва меҳнат фажрийлари, ёлғиз қариялар учун “Ёшлар табриги”, “Қамолот” фаоллари учун “Ассалом, янги йил” ёшлар кечаси ташкил этилди.

2010 йил давомида лойиҳа доирасида “Камалак” болалар ташкилотининг республика, ҳудудий ва маҳаллий бўлимлари томонидан **757** та тадбир ўтказилиб, тадбирларга республика бўйича **76 212 нафар** бола жалб этилди.



## “ЁЗНИ “КАМАЛАК” БИЛАН” ЛОЙИХАСИ



Болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ва мароқли ўтказиш, ёзги болалар соғломлаштириш оромгохларида ва маҳаллаларда оромгохларга жалб этилмаган болалар билан ишлаш мақсадида “Камалак” болалар ташкилоти томонидан 2007 йилдан буён “Ёзги “Камалак” билан” лойиҳаси ташкил этиб келинмоқда.

Лойиҳа доирасида “Камалак” болалар ташкилотининг Сардорлар Кенгаши томонидан махсус режа асосида спорт, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

2007–2011 йиллар давомида ушбу лойиҳа доирасида **16 мингга** яқин тадбирлар, кўрик-танловлар, семинар-тренинглар, концерт дастурлари, ижодий учрашувлар ва спорт тадбирлари ташкил этилди.



## “ВАТАН, ДЎСТЛИК ВА ХАЛҚПАРВАРЛИК УЧУН!” ШИОРИ ОСТИДАГИ АНЖУМАН

2002 йилдан буён республика “Камалак” болалар ташкilotининг “Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!” шиори остидаги анъанавий анжуман ўтказиб келинмоқда.

Анжуманларда “Камалак” болалар ташкilotининг Сардорлар Кенгаши томонидан ўтган давр мобайнидаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинади. Ташкilot фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Анжуман иштирокчилари, хусусан сардорлар учун болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, Сардорлар Кенгаши фаолиятини ташкил этиш, ҳужжатлар билан ишлаш, нотиклик санъати ва сардорлик қобилиятини шакллантиришга оид семинар-тренинглар, мастер-класслар, интеллектуал ўйинлар, маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ташкил этилади.



Анжуман доирасида ташкил этиладиган «Кувнок футбол», “Камалак –экспресс” спорт мусобақалари, “Сардорлар олимпиадаси”, “Йил сардори” кўриктанловлари, турли интеллектуал ўйин ва викториналар, сўнгги кўнгироқ каби тадбирлар сардорларни бирлаштиришга, улар ўртасида ҳамжихатлик, дўстлик муносабатларини шакллантиришга ёрдам беради.

2002-2011 йиллар давомидаги анжуманларда республика мидаги барча ҳудудларидан 3040 нафардан зиёд “Камалак” сардорларининг иштироки таъминланди.





## “ЕТАКЧИ” ЁШЛАР МАРКАЗИ

Ёшлар билан ишлаш мақсадида кадрларни тайёрлаш, кадрлар захирасини шакллантириш ва малакасини оширишда Ҳаракат “Етакчи” ёшлар маркази базасига таянади. Ушбу мақсадни амалга ошириш йўлида марказнинг 12 та ҳудудда филиаллари мавжуд бўлиб, уларда маҳаллий Кенгашларнинг раҳбар ва ходимлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ўз малакаларини оширадилар.

2006 – 2011 йиллар давомида Марказ ва унинг филиаллари томонидан 1333 мартаба ўқув-семинарлар ташкил этилган бўлиб, уларда жами **54 778 нафар** ёш ўз малакасини оширган.

Бунда ҳар йили Марказ ва унинг филиалларида ташкил этилган ўқув-семинарларда **9 мингдан зиёд** ёшлар иштирок этган.



Бундан ташқари, Марказ томонидан Ҳаракатнинг куйи тизимларига илмий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида кўлланмалар ҳам ишлаб чиқиш йўлга қўйилган.

Ўтган вақт давомида Марказ томонидан 10 дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилди. Улар орасида “Миллий ўйинлар”, “Бунёдкор”, “Оромгоҳ” сингари лойиҳалар ўз сафига кўплаб ёшларни жалб қилгани билан ажралиб туради.



2011 йил давомида Марказ томонидан ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишда Ҳаракатнинг тутган ўрни, ёшларнинг бандлик муаммолари ва ёш оилаларнинг ижтимоий демографик ҳолатини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар ўтказилди.

Марказ томонидан “Оммавий маданият ва унинг ёшлар миллий-маънавий кифасига таъсирида оммавий ахборот воситаларининг ўрни”, “Ёшлар ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолияти”, “Болалар ва вояга етмаганлар ҳуқуқларини химоя қилишнинг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истикболлари” каби мавзуларда бир қатор давра суҳбатлари, “Ёш тадбиркор” мавзуида бизнес-тренинг ташкил этилди. Шунингдек, социологик тадқиқотлар натижаларига бағишлаб, “Ёш оилаларнинг ижтимоий демографик ҳолати” мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилди.



## “ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК!” ҲАМДА “ЭКОЛОГИЯ ВА ЁШЛАР” КЎРГАЗМАСИ

2011 йилнинг 14 мартида Ҳаракат томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасига ёшлар томонидан билдирилган таклифларни ўзида ақс этган “Табиатни асрайлик!” мавзусида расмлар танлови ўтказилди.



# “ЕТАКЧИ” ЁШЛАР МАРКАЗИ


www.kamolot.uz



Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотининг бутун фаолиятини ёритиб борувчи ёшлар сайти [kamolot.uz](http://kamolot.uz) сайтидир.

Сайтдан кўзланган мақсад Ҳаракат фаолияти хусусида кизикарли ва фойдали маълумотларни мунтазам ва ўз вақтида бериб боришдан иборат. Қолаверса, сайт бевосита онлайн тарзда ўзаро мулоқот қилиш ва бугунги кун ёшларининг энг долзарб муаммолари тўғрисида фикр алмашиш имкониятини беради. Ҳозирда ёшлар сайти ҳисобланган [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) ўзаро мулоқот ва бирлашиш майдонига айланмоқда.

Сайтнинг янги кўриниши ўзбек ва рус тилларида ташкил этилган бўлиб, унинг янги варианты фойдаланувчилар учун қулайлик туғдирди. Ушбу [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайти аввалги версиядан нафақат дизайн, балки ички бошқарилиш қулайлиги ва кўп функцияларга эга экани билан ҳам тубдан фарқ қилади. Бунда сайтнинг таквимий бўлимлари, блоглар, форумлари ва рукнлари ёшларнинг эҳтиёжи ва кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда яратилди.



Сайт ёшлар ҳамда тармоқ фойдаланувчиларининг мурожаат ва таклифлари асосида ишга туширилди. Ушбу сайт матбуот маркази томонидан мунтазам равишда маълумотлар билан тўлдириб борилмоқда. Ўз навбатида, ушбу сайт ёшлар учун фикр-мулоҳазаларни баён этиш, таклифлар билдиришда эркин ахборот алмашиш манбаига айланмоқда.

